

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Раиси  
ўринбосари С.Эшматовнинг 2022 йил февраль ойи учун  
фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга  
эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари**  
*(ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши ва солиқ қарзини  
қисқартириши масалалари)*

Эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган кўмакни мониторинг қилиш ва доимий даромад манбаини яратиш йўналишида 390 тадан ортиқ доимий даромад манбаи яратилди.

Бундан ташқари, феврал ойида солиқ қарзини ўтган ойга нисбатан 10 фоиз қисқартириш чораларини кўриш йўналишида белгиланган 550 млрд сўмлик режа 140,3 %га бажарилди.

Феврал ойида «Темир дафтар»га киритилган оилаларни рўйхатдан чиқариш чораларини кўриш бўйича бажарилган ишлар 128,6 %ни ташкил этди.

Яширин иш ўринларини легаллаштириш ҳисобига даромад солиғи тўловчилари сонини ошириш бўйича режа 103%га бажарилди.

«Ижро.гов.уз» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши. эса 100%га бажарилди.